# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

№ 95 (10.672).
1994 йил 17 декабрь шанба
Сотувда эркин нархда.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.


## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ тасвири (ЎзА).

**15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон банкининг Россия ва Марказий Осиё бўйича бўлими директори Юкон Хуангни қабул қилди.**

Ислом Каримов меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлар экан, унга республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳамда Жаҳон банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси билан ўрнатилган ҳамкорлик самаралари тўғрисида сўзлаб берди.

-- Бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш йўлидан бораётган ҳар бир мамлакат Жаҳон банки билан яқин алоқа ўрнатмас экан, қисқа муддатда иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаши қийин, -- деди Президент. -- Ўзбекистон ҳукумати бу борада Жаҳон банки билан узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга алоҳида эътибор бермоқда. Ўйлайманки, бундан буён мавжуд алоқаларимиз янада ривожланади.

Юкон Хуанг самимий қабул учун миннатдорлик изҳор қилар экан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар юксак самара бераётганини таъкидлади. У Ўзбекистоннинг миллий валютасини мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатдаги аниқ лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш борасида Жаҳон банки республикамизга имтиёзли ёрдам беришга тайёр эканини билдирди.

Самимий ва дўстона суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов, Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди.

Қабул чоғида Жаҳон банкининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари Парвез Ҳасан ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## РЕСПУБЛИКАДА САВДОНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Истеъмол бозорини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан тўлдиришда савдо ташкилотларининг манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, 1995 йил 1 январдан бошлаб савдо устамалари товарларни ташиш, сақлаш ва сотиш харажатларидан келиб чиққан ҳолда савдо корхоналари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси савдо устамаларини белгилаш тартибини 10 кун муддатда манфаатдор ташкилотларга етказсин.

2. Чакана савдо тармоғида мавжуд бўлиши мажбурий бўлган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бу банднинг сўзсиз бажарилиши учун жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда шахсан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов зиммасига юклансин.

3. 1995 йил 1 январдан бошлаб аҳолига белгиланган нормаларга мувофиқ озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёждаги ноозиқ-овқат товарларини сотиш бўйича чеклашлар олиб ташлансин.

4. «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси, Ўзбекбирлашув, савдо тармоғига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

савдо корхоналарининг янги эгалари билан шартномалар тузилаётганда иловада кўрсатилган товарларнинг эркин савдода мавжуд бўлишини мажбурий равишда назарда тутсинлар;

товар ресурсларини қидириб топиш, истеъмол бозорини тўлдириш ишларини давом эттирсинлар, уларнинг республика аҳолисига узлуксиз сотилишини таъминласинлар.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 6 мартдаги 59-сон, 1991 йил 1 апрелдаги 80-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 февралдаги 98-сон қарорининг 1 ва 7-бандлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 майдаги 199-ф-сон фармойиши 1995 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари М. Усмонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 14 декабрь

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

Чакана савдо тармоғида мавжуд бўлиши мажбурий бўлган асосий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари рўйхати

1. Ун
2. Макарон маҳсулотлари
3. Ўсимлик ёғи
4. Қанд-шакар
5. Чой
6. Туз
7. Кирсовун
8. Гугурт

## БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг таклифига биноан Президент Александр Лукашенко бошчилигидаги Беларусь Республикаси давлат делегацияси 1994 йил 21-23 декабрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.**

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

◆ ПХЕНЬЯН. КХДР Исроил расмий кишиларининг Пхеньян араб мамлакатларини ядро ва ракета техникаси билан таъминлаётгани ҳақидаги фикрини рад этди.

Шимолий Кореянинг расмий ахборот маҳкамаси Исроил ҳукуматидан КХДРга нисбатан иғвогарлик ҳаракатларини тўхтатишни ҳамда Яқин Шарқнинг ядросиз мақомини таъмин этиш борасидаги араб мамлакатлари истагини қондиришни талаб қилди.

***

◆ ДЕҲЛИ. Афғонистонда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш борасида фалокатли вазият вужудга келди. Бироқ халқаро ҳамжамият бу вазиятни ўнглаш учун ҳеч қандай чора кўрмаётир. Покистонда жойлашган афғон қочқинлари қароргоҳларида сафарда бўлган «Халқаро авф» ташкилотининг Ҳиндистон пойтахтида чоп этилган маърузасида ана шундай дейилади.

Унда қайд этилишича, Афғонистонда қатъий сиёсий тизимнинг мавжуд эмаслиги туфайли мухолифатдаги қуролли гуруҳлар ўзгача фикрда бўлгани учун афғон халқини оммавий равишда қийнаш, зўрлаш ва ўлдиришгача бормоқда. Ҳарбий ҳаракатлар майдонига айланиб қолган Қобул шаҳри аҳолиси айниқса, оғир кунларни бошидан кечираяпти. 1992 йилнинг апрель ойидан буён бу ерда 15 мингдан зиёд киши ҳалок бўлди, 100 минглаб аҳоли қочқинликка юз тутди. Бироқ, совуқ уруш йилларида бу мамлакатни қуролга кўмиб ташлаган ғарб давлатлари афғон тупроғида бўлаётган фожиавий воқеаларни кўриб кўрмасликка олаяптилар. Афғонистонда эса айбсиз кишилар судсиз, сўроқсиз ўлдирилмоқда.

***

◆ БУЭНОС-АЙРЕС. Ўтган чоршанба куни Перунинг Укаяли департаментида ҳарбий карвонга террорчилар ҳужум қилиши натижасида 20 киши ҳалок бўлди, 10 киши оғир яраланди.

Ушбу ҳужум мамлакатдаги ҳукмрон кучларга қарши кураш олиб бораётган «Сендеро Руминосо» маочи гуруҳлари томонидан амалга оширилгани маълум бўлди.

***

◆ ПЕКИН. Хитойнинг тариф ва савдо ҳақидаги бош битимга (ТСББ) қайтадан аъзо бўлиши борасида Женевада бўлиб ўтаётган музокараларнинг ҳал қилувчи босқичи арафасида музокаралар муваффақиятсиз тугаган тақдирда ХХР ТСББга бу борада бошқа илтимос қилинмаслигини билдирди. Мабодо, Хитой ТСББга қабул қилинса, ХХР тариф ва савдо ҳақидаги бош битимнинг ҳуқуқий вориси бўлган умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ) муассис-мамлакатларидан бири мақомига эришиш учун ҳаракат қилади.

Хитой ТСББни таъсис этган мамлакатлардан бири бўлиб, 1949 йилда ҳукумат коммунистлар қўлига ўтганидан сўнг, бу ташкилот таркибидан чиққан эди. Бироқ, саккиз йилдирки, Пекин бу ташкилотга аъзолигини тиклашга уринмоқда. Хитойнинг илтимоси Тяньаньмэн воқеалари ҳамда ўзини «Хитойнинг ягона ҳуқуқий вакили» деб ҳисоблаётган Тайбейнинг даъволари туфайли ҳалигача инобатга олинмай келаётир.

**(ЎзА)**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Чеченистон Республикасидаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қуйидагиларни маълум қилишни зарур деб ҳисоблайди:

Чеченистон Республикасидаги воқеалар Россиянинг ички ишидир. Чунки Чеченистон Республикаси Россия Федерациясининг субъекти бўлиб, у ерда Россия давлатининг Конституцияси ва барча қонунлари амал қилади.

Айни пайтда биз мазкур минтақада барқарорликка эришиш учун сиёсий воситалардан, музокаралар жараёнидан ҳар томонлама фойдаланиш, қонунийликка, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш тарафдоримиз.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 14 декабрь.

*Иқтисодий ислоҳот одимлари*

## САМАРАЛИ ЙЎЛ

**«Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларига жаҳон бозорида талаб ошиб бормоқда**

«Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамиздаги қурилиш материаллари тайёрланадиган йирик корхоналаридан бири. Иқтисодий алоқаларнинг узилиши боис бирлашманинг истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериши қийинлашиб қолган эди. Сўнгги пайтда аҳвол ўзгарди. Бугунги кунда корхона йилига 1 миллион 600 минг тонна цемент ишлаб чиқармоқда. Бирлашма маҳаллий қурилиш ташкилотлари ва республика аҳолисидан ташқари, Россия, Афғонистон, Эрон, Исроил ва Покистон давлатларига ҳам маҳсулот жўнатмоқда.

-- Президентимизнинг шу йил 21 февралда эълон қилинган фармони биз учун катта аҳамиятга эга бўлди,-- дейди бирлашма бош директори Имомжон Искандаров.-- Яъни, давлат буюртмаси бекор қилиниб, бизга эркин фаолият юритиш ҳуқуқи берилди. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитида истиқболли фаолият учун кенг йўл очаётир.

Бундан руҳланган цементчилар ишлаб чиқариш суръатини пасайтирмаслик мақсадида илғор технологияларни дадил жорий этмоқда. Корхонада кенг миқёсда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. 5 миллион АҚШ доллари эвазига Олмония ва Ҳиндистондан цемент қадоқлаш ускуналари келтирилмоқда. Улар ишга туширилгач, йилига 300 минг тонна цементни қадоқлаб хорижга сотиш имкони туғилади.

Бирлашма маъмурияти хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда кенг истеъмол моллари тайёрлашга ҳам катта эътибор бераётир. Агар ўтган йили 100 минг дона шлакоблок ишлаб чиқарилган бўлса, мавжуд цехни кенгайтириш эвазига шу йилнинг сентябридан бошлаб маҳсулот ҳажми ойига 420 минг дона кўпайди. Бирлашманинг Шоғозсойдаги карьеридан кварц қум топилгани ҳам меҳнат жамоаси учун яна бир муҳим даромад манбаи бўлди. Автомобиль ойналари ва шиша идишлар ишлаб чиқаришда ниҳоятда зарур бўлган бу саноат хомашёсининг дастлабки минг тоннаси яқинда Олмалиқ маиший химия заводига етказиб берилди. Шунингдек, бирлашма қошида йилига 220 миллион дона шиша идиш тайёрлайдиган завод қурилиши ҳам давом этмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида самарали йўлдан дадил бораётган бирлашма маъмурияти ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва дам олиш шароитини яхшилашга ҳам катта эътибор бермоқда. Ҳозирги кунда ўртача маош 550-600 сўмни ташкил этади. Ҳар ойда 120 сўмдан овқат пули ҳам берилмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳар бир жамоа аъзосининг ишлаб чиқаришдаги фаоллигини ошириш, демакки, бирлашманинг илгариги мавқеини тез орада тиклаб олиш имконини беради.

**Неъмат ДУШАЕВ.**

*25 ДЕКАБРЬ -- САЙЛОВЛАР КУНИ*

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Кеча вилоят ҳокимлигида вилоят сайлов комиссиясининг кенгайтирилган семинар--кенгаши бўлиб ўтди**

СЕМИНАР--кенгаш йиғилишида вилоят ҳокими муовинлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, туман, шаҳар ҳокимларининг биринчи муовинлари, ҳокимликлар ташкилий бўлимлари мудирлари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқарма раҳбарлари ҳамда туман ва шаҳар сайлов комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округлар сайлов комиссияларининг раислари иштирок этдилар.

Семинар--кенгашни вилоят сайлов комиссиясининг раиси Н. Насимов бошқариб борди. У Тошкент вилоятида бўлажак сайловларга тайёргарлик билан боғлиқ тадбирлар ўз вақтида, изчил ва белгиланган қонунларга асосан амалга оширилаётганлигини таъкидлади ҳамда галдаги бажарилиши зарур бўлган муҳим вазифаларга тухталиб утди.

Шундан сунг семинар--кенгаш йиғилишида иштирок этган республика Марказий сайлов комиссиясининг вакили О. Йўлчиев сайловгача амалга ошириладиган вазифалар тугрисида гапирди.

Семинар--кенгаш йиғилишида бир қатор шаҳар ва туманларда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округларда ҳамда вилоят булим ва бошқармаларида сайловга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ҳисоботлар ҳам тингланди. Паркент тумани ҳокими Т. Холтоев, Бекобод тумани сайлов комиссияси раиси О. Қодиров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 170--Қизғалдоқ сайлов округи раиси О. Тўлаганов, вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси бошлиги З. Солиҳов, вилоят электр--алоқа ишлаб чиқариш концерни раиси М. Содиқов, «Вилоятсавдо» концерни раиси Ғ. Турсунов, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиги вазифасини бажарувчи О. Жалилов уртоқларнинг бўлажак сайловларга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Семинар-кенгаш йиғилишида вилоят ҳокими М. Икромов сўзга чиқди. У бундан буён барча шаҳар ва туманларда, сайлов округлари ва участкаларида амалга оширилиши зарур бўлган муҳим вазифалар хусусида тўхталди.

*ФАРМОН ВА ИЖРО*

## МУАММОНИНГ ЕЧИМИ БОР

Президентимизнинг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги фармони кўпчиликнинг дилидаги иш бўлди. Тўғриси, бу ҳақда илгари жиддийроқ бош қотирмас эканмиз. Моли экинга тушган, ҳатто, уни анчагина пайҳон қилган кишини койиб, танбеҳ бериб қўя қолардик. Етказилган зарарни ундириш, айбдорни жавобгарликка тортиш зарурлигини хаёлимизга ҳам келтирмасдик. Кўнгилчанглик билан «ҳа майли, бир бўптида, ўз ҳамқишлоғимиз, одамнинг юзи иссиқ» деб кечириб юбораверардик.

Аслида эса, хато қилар эканмиз. Жазодан осон қутилиб кетган боягидай кишилар пинҳоний иш тутишар, кўзни шамғалат қилиб, молларини экинзорга яширинча ҳайдаб қўйишар ёхуд «билмай қолибман», деб ўзларини ҳар гал гўлликка солишар эди. Ундайлар ҳар бир хўжалик, ҳар бир қишлоқда топилади. Мен бунга аминман.

Молини экинзорга ҳайдаб қўйишга журъат этган кимса наҳотки нима қилаётганини билмаса? Ақл-хуши жойида, жуда яхши билади. Фақат «туя кўрдингми, йўқ» қабилида иш тутади, холос. Унинг жамоа мулкига, ризқига жони ачимайди, фақат ўзим бўлсам, дейди, ҳар бир нарсани ўз қаричи билан ўлчайди.

Энди бунга сира йўл қўйиб бўлмайди. Бундай ўйлаб қаралса, бу ҳисобда йўқ жуда катта моддий зарар -- йўқотиш экан. Қишлоқ хонадонларида мол-хол кўпайиб бораяпти, шунга яраша зарарлар ҳам ортяпти. Хўш, бунинг қандай қилиб олдини олиш мумкин?

Қишлоқдаги моли бор кишиларнинг ҳаммасини айблаш инсофдан эмас. Ўз молини уйида боғлаб боқаётган, озуқа, ем-хашак етиштириш учун томорқа хўжалигидан ишнинг кўзини билиб фойдаланаётган, бировга заррача зиёни тегмаётган одамлар оз эмас. Лекин, биз хўжалик раҳбарларининг ҳам четда томошабин бўлиб туришга ҳаққимиз йўқ. Моли бор фуқароларимизга ёрдам қўлини чўзишимиз, уларга маълум даражада зарур шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида қайғуришимиз керак.

Хўжалигимизда чорва молларини ҳайдаб боқиш мумкин бўлган чекка ва партов ерлар мавжуд. Аксарият қишлоқ хонадонлари ўз чорвасини ана шундай ерларга олиб бориб боқишади. Дастёри бўлмаган оилалар бундай кезда ўз молларини қўшни хонадонларнинг молларига қўшиб юборишади. Уларни эрта билан олиб кетиб, кечқурун қайтариб келиш маълум кишиларга топшириб қўйилган. Бундай «чўпон таёғи» қишлоқларимизда эскидан одат. Ана шундай қилинганда хонадон соҳиби ҳам хотиржам, чорва моллари ҳам доим назоратда бўлади. Экин-тикин ҳам пайҳон бўлмайди, ҳеч ким зарар кўрмайди.

Лекин, бу ерда бошқа гап бор. Чорва моллари ҳайдаб боқиладиган юқоридагидек партов ерларда суғориб туриладиган яйловлар, ўтлоқлар ташкил этилса, ўт, беда ва бошқа турдаги озуқа экинлари экиб ўстириш учун махсус карталар ажратилса, унинг ҳосили вақти-вақти билан халққа тарқатилса, нур устига аъло нур бўлур эди. Биз келгуси йил баҳоридан ана шундай йўл тутиш режасини ишлаб чиқаяпмиз.

Бу йил ғаллазорларимиз 306 гектардан 540 гектарга кенгайди. Экишни октябрнинг ўрталаридаёқ тамомлаганмиз. Ҳозир ҳаммаёқ кўм-кўк майса билан қопланган. Шу ўринда айтмоқчи бўлган мулоҳазам шуки, ана шу майсаларни биз то ўрим-йиғим бошланиш даври -- июнь-июль бошларигача асраб-авайлашимиз, парваришлашимиз керак. Бу ўта масъулиятли давр. Ўз ғаллазорларини бугун ҳам, эртага ҳам хушёрлик билан муҳофаза қила олган, бир туп ниҳолнинг ҳам пайҳон бўлишига йўл қўймаган деҳқоннинггина хирмони юксак бўлади.

Биз айнан шундай қилаяпмиз. Бу йил суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 39,5 центнердан дон ҳосили олдик. Келгуси йили ҳосилимиз баракаси 45-50 центнердан кам бўлмайди, деган умиддамиз.

**Жамол ТЎЛАГАНОВ,**
**Қуйичирчиқ туманидаги «Ўжакент» жамоа хўжалигининг раиси.**

*ФАРМОН ВА ИЖРО*

## РИЗҚИМИЗ БУТУН БЎЛСИН

Республикамиз Президентининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги фармони айни вақтида чиққани билан аҳамиятлидир. Негаки, республикамиз аҳолиси эҳтиёжи учун четдан келтирилаётган ғаллани ўзимизда етиштириш вазифаси кун тартибида турипти. Шу мақсадда ғалла майдонлари кенгайтирилмоқда. Биргина Тошкент вилоятида бу йил 88 минг гектар суғориладиган ерга кузги ғалла экилди. Хўш, шу кунларда кўм-кўк бўлиб қолган ғаллазорларни сақлаш борасида қандай тадбирлар кўрилмоқда?

-- Вилоятимизда ҳар йили қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан, ғалла майдонлари пайҳон қилиниши оқибатида ҳосилнинг талай қисми нобуд бўлар эди, -- дейди вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Қаҳрамон Назаров. -- Ана шу ачинарли ҳолнинг олдини олиш мақсадида Президентимиз фармонига мувофиқ махсус тезкор гуруҳ туздик. Шаҳар ва туман ички ишлар бўлими раҳбарлари ҳамда вилоят прокуратураси ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказиб, шу борадаги аниқ вазифаларни белгилаб олдик. Айни кунларда жойларда экин майдонлари пайҳон қилинишининг олдини олиш чора-тадбирлари кучайтирилди. Бироқ экин майдонларини назоратсиз қолдириш, улар муҳофазасига панжа орасидан қараш одат тусига кириб қолгани ачинарлидир. Ахир, деҳқон ўз меҳнати қадрига етмаса, ким етади? Афсуски, фармон эълон қилингандан кейин ҳам яқин ўн гектар ғалла майдони пайҳон қилинишига сабаб бўлган 190 дан ортиқ ҳолатни аниқладик. Натижада 137 фуқарога нисбатан маъмурий жазо кўрилди. Уларга 15070 сўм жарима солинди. Битта жиноий иш қўзғатилди. Ачинарлиси шундаки, жаримага тортилганлар орасида хўжалик раҳбарлари, фермерлар бор. Тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамай, Бўка, Пискент, Чиноз туманларида чорва молларини назоратсиз қолдириш ҳоллари кўплаб содир этилмоқда. Туман ҳокимликлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар хўжаликлар раҳбарлари бу ҳақда жиддий қайғуришлари лозим. Ана шунда экин майдонларининг, хусусан, ғалланинг пайҳон этилишига бутунлай чек қўйилади. Халқимизнинг ризқи бутун бўлишига чинакам замин яратилади.

**ЎзА мухбири.**

# НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент вилояти Тошкент тумани ҳокимлигида Олий Мажлис депутатлигига 170-Қизғалдоқ сайлов округидан кўрсатилган номзодлар билан сайловчиларнинг учрашуви бўлди.

Халқ депутатлари вилоят кенгашидан депутатликка номзод -- туман ҳокими Рустам Акбаров, «Ватан тараққиёти» партиясидан номзод -- вилоят «Зарҳал» корхонаси президенти Мадаминхўжа Зокирхўжаев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод -- «Ўзбекистон 50 йиллиги» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Равшан Наримов сайловчилар ҳузурида сўзга чиқиб, ўзларининг сайловолди режалари билан яқиндан таништирдилар. Улар шунингдек, Қибрай туманидаги «Маданият» жамоа хўжалиги клубида ҳам ўз сайловчилари билан учрашиб йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

***

Республика парламентига 169-Кўксарой сайлов округи бўйича депутатликка номзодлар билан бўлиб ўтган учрашувда сайловчилар номзодлар ҳақидаги тасаввурларини янада бойитдилар.

Бу округ бўйича учта номзод кўрсатилган. Учрашувда халқ депутатлари вилоят кенгаши номзоди -- Тошкент тумани «Кўксарой» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Расул Каримов, «Ватан тараққиёти» партияси номзоди -- масъулияти чекланган «Тадбиркор» уюшмаси раиси Бахтиёр Рўзиев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзоди -- республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова йиғилганларни сайловолди режалари билан таништирдилар. Ошкора ва талабчанлик руҳида ўтган учрашувда сўзга чиққанлар йиғилганларни республика янги парламенти ҳамда маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловда фаол иштирок этишга, элнинг муносиб номзодларига овоз беришга чақирдилар.

***

Бўка туманида ҳам биринчи марта кўппартиявийлик асосида ўтказиладиган сайловларга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Айни кунларда сайловларга тайёргарликнинг сўнгги босқичи -- номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

167-Бўка сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод -- «Ўзтуркаккуммаш» корхонаси бошқарувчиси Раҳим Абидов, халқ депутатлари вилоят кенгашидан номзод -- «Бўка» жамоа хўжалиги раиси Қулмурод Ибрагимов, «Ватан тараққиёти» партияси номзоди -- Тошкент давлат шарқшунослик институти кафедра мудири Анвар Қосимов «Дўстлик» жамоа хўжалиги мажлислар залида сайловчилар билан навбатдаги учрашувни ўтказдилар.

-- Сайлов округимиз ҳудуди Бўка шаҳри, Намуна, Бўстон, Турон, Равот, Чиғатой ва бошқа қишлоқларни ўз ичига олади, -- дейди округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Э. Йўлдошев. -- Биз ҳозиргача номзодларнинг сайловчилар билан жойларда беш марта учрашувини ташкил этдик. Бу учрашувларда номзодларга тенг шароит яратиб берилияпти. Сайловчилар ҳам ҳар бир учрашувга катта ҳозирлик билан келишмоқда, номзодларнинг режаларини диққат билан тинглашаяпти. Умуман, ҳар бир мулоқот жонли, кўтаринки руҳда, талабчанлик билан ўтаяпти. Бу эса номзодлар орасида энг муносибларини танлаб олиш имконини беради.

**(ЎзА).**

***

Тошкент вилояти Қибрай туманида республика парламенти ҳамда маҳаллий вакиллик органларига депутатликка номзодлар билан қизғин учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Тошкент давлат аграр дорилфунунида сайловчилар 171-Салор сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига Тошкент вилоят кенгашидан номзоди кўрсатилган «Ўзбекгеофизика» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Тошпўлат Бобожонов, «Ватан тараққиёти» партиясидан номзод -- республика молия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари Сапарбой Жубаев, ХДПдан кўрсатилган номзод -- «Салор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Ўрмонов билан учрашдилар. Учрашувда маҳаллий кенгашларга кўрсатилган номзодлар ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини сайловчиларга баён этдилар.

***

Тошкент вилояти. 157-Ангор сайлов округидан Республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар билан Оҳангарондаги 10-ўрта мактабда ўтказилган учрашувда «Дўстлик», «Бирлик», «Озодлик» қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудидаги сайловчиларнинг тўрт юздан ортиқ вакили иштирок этди. Ишончли вакилларнинг чиқишидан сўнг Олий Мажлис депутатлигига «Ватан тараққиёти» партиясидан номзод -- Тошкент вилояти тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши раиси Маҳбуба Ризаева, Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзоди -- ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Октамжон Турғунов, халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашидан номзод -- темирбетон буюмлари заводи директори Ваҳобжон Халилов сайловолди режаларини баён қилиб бердилар.



## 1994 йил 25 декабрь — сайловлар куни

# ОВОЗ БЕРАДИГАН КУН ЯҚИН

## Бўка туманида бўлажак сайловларга тайёргарлик қизғин бормоқда

ТАРТИБЛИ иш дарҳол кўзга ташланар экан. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов утказувчи 167-сайлов округининг сайлов комиссияси учун ажратилган жойда биз буни аниқ ҳис этдик. Туман халқ таълими бўлимининг бежиримгина мажлислар зали мазкур округ комиссияси ихтиёрига берилган. Шинам, саранжом-сариштa хонада ҳар бир сайловчи ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олиш имкониятига эга.

Унинг деворлари Республика Олий мажлисига вилоят кенгаши ҳамда сиёсий партиялар орқали шу округдан номзодлари кўрсатилган кишиларнинг таржимаи ҳоли баён қилинган плакатлар, округ ҳудудидаги 38 та сайлов участкаси тизими акс этган кўргазма, номзодлар билан учрашувлар, сайлов комиссиялари аъзоларининг кундалик навбатчилик тартиби ифода қилинган жадваллар билан жиҳозланган. Стол устида турли нашрдаги газеталар тахламлари. Жавонлардан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, бўлажак сайловларга бағишланган брошюралар, олимлар, мутахассисларнинг рўзномаларда чоп этилган мақолалари, суҳбатлари ўрин олган.

Биз туманда бўлган кунимиз сайлов комиссияси раиси Жура Дустматов, унинг муовини Эргаш Йўлдошевлар сайлов участкаларига чиқиб кетишган экан. Комиссия котиби Абдурасул Набиев билан анчагина мулоқотда бўлдик.

У сайловларга тайёргарлик жараёнида режа асосида амалга оширилган ишлар, йиғилишлар натижаси, айрим масъул кишиларнинг ҳисоботларини тинглаш йўли билан рўёбга чиққан тадбирлар тўғрисида батафсил гапириб берди.

Сайлов кампаниясига округда уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрилмоқда. Энг аввало, ташкил этилган барча сайлов участкаларида, комиссия аъзолари, маҳаллалар фаоллари кўмагида бу йилги сайловларнинг узгачалиги, унинг мустақиллигимиз шароитида тўла демократик принципларга амал қилган ҳолда, кўппартиявийлик асосида ўтиши, номзодликка халқнинг энг муносиб фарзандларини кўрсатиш ҳуқуқи кафолатланганлиги тўғрисида суҳбатлар ўтказилди. Омма орасида Конституциямизнинг халқчиллиги, сайловчиларнинг Қомусимизда ўз аксини топган ҳуқуқлари мавзуларида маърузалар қилишда туман мактаблари ўқитувчилари бажонидил кўмаклашишди.

Биз ёзувлардан бирида номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари чоғида сўзга чиққанлар томонидан қайд этилган айрим фикрлар билан ҳам танишдик. Уларда бу йилги сайловлар ҳар қачонгидан ўзгача сайловлар эканлиги, бу кампания демократик принциплар ва сайловлар тўғрисидаги қонунларга тўла риоя этилган ҳолда олиб борилаётганлиги эътироф этилган. Айни пайтда номзодлар депутатликка сайланиб қолгудек бўлсалар, ўз фаолиятларини республикамиз Президенти фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини амалга ошириш, мустақил давлатимиз миқёсидаги муаммоларни ҳал этишда фаоллик кўрсатишларини билдирганлар.

Шунингдек, улар Бўка тумани аҳолисини табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш, туманда шарқ тилини ўрганиш курслари ва кейинчалик машғулотлар шу тилда ўқитиладиган лицей очиш, туманга чет эл капиталини олиб кириш борасида ҳокимликка имкон қадар ёрдам бериш ниятида эканликларини ҳам баён қилганлар.

Биз мазкур округ ҳудудидаги Бўка пахта тозалаш заводида жойлашган 5-Марказий сайлов участкасида ҳам бўлдик. Бу ерда барча воситалар сайловга тахт қилиб қўйилган.

-- Олий мажлисга кўрсатилган номзодлар билан сайловчиларнинг Бўка шаҳрида бўлган учрашувларида ҳам, туман кенгашига кўрсатилган номзодлар билан мулоқотларда ҳам иштирок этяпман, -- дейди Янгиобод маҳалла қўмитаси раиси Маҳкам Кенжаев, -- мени хурсанд қилаётганлиги шуки номзодларнинг ўзаро ҳурматни сақлашлари, уларга сайловчилар билан учрашувларда тенг шароитлар яратилаётганидир.

Чиндан ҳам бу борада тумандаги сайлов участкаларида барча қулайликлар мавжуд. Шу боис Ғаффор Азаматов номли, «Ачамайли», Йўлдош Хожиматов номли, «Навоий», «Дўстлик», «Паркент», «Жамбул», «Бўстон», «Туркистон» жамоа хўжаликларида, Бўка шаҳри маҳаллаларида, шаҳардаги тикувчилик фабрикасида ўтган учрашувлар ишчанлиги билан эътибор топди.

-- Ҳали учрашувлар давом этмоқда, -- дейди А. Набиев, -- номзодлар ўз дастурларини оммага кенг ва атрофлича тушунтираётирлар. Ишончли вакиллар номзодларнинг таржимаи ҳоли, иш фаолияти билан аҳолини батафсил таништирмоқдалар.

Туманда ҳар бир сайлов участкасига сайлов комиссиялари аъзолари, маҳалла фаоллари биркитиб қўйилган. Улар вақти-вақти билан ўз ишлари ҳақида ҳисобот бериб турмоқдалар. Яқинда Олий мажлисга сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясида туман алоқа бўлими раҳбарларининг ҳисоботи тингланди. Сайлов участкаларини телефон алоқаси билан таъминлаш борасидаги айрим нуқсонлар дарҳол бартараф этилди. Комиссия иш режасида тумандаги бошқа бўлимлар, етакчи мутахассислар ҳисоботларини тинглаб бориш ҳам ўз ифодасини топган.

Хулоса қилиб айтганда, туманда бўлажак сайловларга тайёргарлик қизғин. Ҳар бир сайлов участкасида овоз бериш учун кабиналар, қутилар тахт қилиб қўйилган. Сайловчилар зиммасида 25 декабрь куни энг муносибларга овоз беришдек муҳим вазифа қолмоқда, холос. Туман аҳли бу бурчини ҳам сидқидилдан ўташга тайёр.

**С. ҲАСАНОВ.**

*Пири-бадавлатларимиз*

# ЎЗИМИЗНИНГ ПАРДАБОЙ АКА



БЎКАДА Пардабой акани танимайдиган одам йўқ. Камтар, бағри кенг, кўпчиликнинг иши тушадиган хожатманд инсон. Уни кўпинча, молия соҳасида туман фаолиятига кўп хизматлари сингган ўз ишининг сир асрорларини чуқур тушунадиган тажрибали мутахассис, деб ҳам таърифлашади.

Дарҳақиқат, шундай. Оддий деҳқон оиласида туғилиб ўсган Пардабой Ҳалилов 1950 йили Пискентдаги ўрта мактабнинг 7-синфини тугатиб, Тошкент молия-кредит техникумида таҳсил олди ва дастлабки меҳнат фаолиятини Қорасув туманида молия бўлими инспекторлигидан бошлади. Сўнг армия хизмати... Хизматдан қайтгач, ўз жонажон ишини соғинган эмасми, ўзгача ғайрат билан ишга кўмилди. Хатто кечалари ҳам ишлашарди, чарчардим, дейишга вақт ҳам, ўрин ҳам бўлмасди...

Табиатан қунт-бардошли, касбига меҳр қўйган Пардабойни 1959 йили вилоят молия бўлими тавсияси билан Бўкага, молия бўлимига ишга юборишди. Бу ерда у тез кўзга кўринди, бўлимда бош мутахассис, мудир ўринбосари, молия бўлими бошлиғи вазифаларига кўтарилди. Ва шу лавозимда ҳозиргача сидқидилдан ишлаб келмоқда.

П.Ҳалилов ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент халқ хўжалиги олийгоҳини (у вақтда Тошкент молия-иқтисоди интитути деб аталарди) тугатди. Билимини даврга мос тарзда ошириб, янгилаб боришга интилди, ёш мутахассисларни, айниқса шогирдларини ана шу йўлдан боришга даъват этди. Чунки молия иши ҳамиша бир қолипда турмайдиган мураккаб ва ўта масъулиятли иш...

Дарвоқе, Пардабой аканинг 42 йиллик меҳнат фаолияти давомида етиштирган шогирдлари у қадар кўп бўлмасада, лекин чинакамига эл ишига ярайдиган, касбига садоқатли, ҳалол ва фидойи мутахассис бўлганликлари билан устоз юзини ёруғ қилмоқда улар. Ана шулардан бири Қосимжон Яҳёев айни пайтда Тошкент молия олийгоҳида кафедра мудири. Икром Каримов туман молия бўлимида бюджет бўлими бошлиғи вазифасини астойдил уддалаяпти. Ҳайдар Миробидов эса Тошкент шаҳрида давлат солиқ инспекциясининг назоратчиси бўлиб ишламоқда. Пардабой аканинг улардан кўнгли тўқ.

Ҳалиловлар оиласида беш фарзанд вояга етди. Ботиржон, Фарҳоджон, Ферузахон, Суръатжон, Наргизахон... уларнинг барчаси олий маълумотли. Айни вақтда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаол хизмат қилишаяпти.

Пардабой ака ва Ҳалимахон опа бир-биридан ширин 18 набирага бобо ва буви бўлганлар. Болаларнинг шўх қилиқлари, бобо ва буви атрофида парвона бўлишлари оила файзига файз қушади.

-- Инсон учун икки нарса жуда азиз бўларкан, -- дейди Пардабой ака. -- Бири шогирдларинг, иккинчиси мана шу фарзандлар... Ўғил-қизларнинг эл ичида ишлаб юрганларидан бир қувонсам, набираларим атрофимда айланиб юришларидан икки қувонаман. Худога шукр, шундай кунларниям кўрдик. Болаларимизнинг бахтига юртимиз ҳамиша тинч бўлсин, фаровонлик бўлсин.

Пардабой аканинг дўстбиродарлари, шогирдлари, фарзандлари яқинда унинг 60 йиллик юбилейини нишонладилар. Катта хонадонда оила соҳибига энг самимий тилаклар айтилди, ўтган йиллар, эсда қоларли воқеалар яна бир бор эсланди. Пардабой ака ўтган умридан мамнун... Биз ҳам ҳамон ёшларга бош бўлиб, меҳнат фаолиятини давом эттираётган Пардабой акага узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

**Ҳ.АВВАЛОВ.**

*Ижтимоий ҳимоя*

# ИШЧИЛАРНИНГ РУҲИ ТУШМАЙДИ

Ангрен сопол буюмлари корхонаси зарур ашёлар -- пол ва деворбоп плиткалар, тиббий-техник чинни буюмлар, техник ва табобат гипси ишлаб чиқаради. Бу ерда, шунингдек, республикада биринчи бўлиб ўтга чидамли ғишт тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Аммо зарур хомашёни четдан келтириш қийинлашгани ҳамда ишлаб чиқариш технологиясининг анча эскириб қолгани жамоани кейинги йилларда бирмунча мушкул аҳволга солиб қўйди. Хўш, корхона маъмурияти ўтиш даври қийинчиликларини қандай енгмоқда?

-- Бозор иқтисодиёти бизни тадбиркорлик билан иш юритишга ундамоқда, -- дейди корхона директори Абдумуталлиб Алиқулов. -- Ҳозирги кунда айрим маҳсулотларимизга талаб камайганини ҳисобга олиб, харидоргирларини, жумладан, деворбоп рангли плиткалар, канализация қувурларини кўплаб ишлаб чиқаришга ҳаракат қиляпмиз. Йилига 500 минг квадрат метр рангли плитка тайёрлаш қувватига эга бўлган янги линия қурилиши ниҳоясига етказиляпти. Ўтга чидамли ғиштларнинг бир неча турини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда. Кенг истеъмол моллари цехида эндиликда миллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор бериляпти. Бу маҳсулот турларининг 45 фоизи ҳар ойда янгилаб турилади. Илгари хомашёнинг ярмини Россия ва Украинадан олардик. Ҳозирга келиб деярли тўла маҳаллий хомашёга ўтдик. Бўёқларни ҳам ўзимиз тайёрлай бошладик. Натижада жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида олти миллион сўмга яқин даромад олинди. Унинг учдан бир қисмини ишчи-хизматчиларимизни ижтимоий ҳимоялашга йўналтирдик. Хусусан, қарамоғимиздаги учта болалар боғчасида тарбияланаётган 360 нафар ўғил-қизнинг ҳар бирига ойда икки юз сўмдан, юз ўринли даволаниш масканимизда бир ой ҳордиқ чиқариш учун ҳар бир дам олувчига ўртача 600 сўм сарфланмоқда. Жамоамиз аъзоларига ҳар куни бепул транспорт хизмати ташкил этилган. Ишга вақтинча лаёқатсиз бўлган ишчи-хизматчиларимиз ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Уларга ўн ой мобайнида тўланган моддий ёрдам 175650 сўмни ташкил этди. Бундан ташқари корхонамиз дўконига бартер йўли билан турли озиқ-овқат ва саноат моллари, кенг истеъмол буюмларини келтириб сотиш йўлга қўйилган. Ёрдамчи хўжалигимиз ҳисобидан гўшт ва лимон тақсимланяпти.

Жамоамиз аъзоларининг саломатлигини муҳофаза қилиш ҳам диққат марказида турибди. Тиббий пунктдаги стоматология ва гинекология бўлимлари харажатларини ҳам ўз зиммамизга олганмиз. Ишчи-хизматчиларимизнинг уй-жой шароитларини яхшилаш, уларга дала ҳовли, ер майдони ажратиш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Агар 1992 йилда 10 оилага янги уй берилган бўлса, ўтган йили 45 оила уй тўйи ўтказди. Ҳозирги кунда 76 кишига квартира бериш ҳаракатидамиз. Бир сўз билан айтганда, ҳозирги вақтинчалик қийинчилик даврида жамоамиз ҳар бир аъзосининг руҳини кўтариш, уларни ижтимоий ҳимоялаш йўлида барча имкониятларни ишга солмоқдамиз.

**Н. ДУШАЕВ,**
**УзА мухбири.**

*ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР*

# ҚОЛОҚЛИК ДОҒИ ҚАЧОН ЮВИЛАДИ?

## Пискент туманидаги Х. Қодиров номли жамоа хўжалигида ислоҳотлар қониқарсиз амалга оширилмоқда

ПИСКЕНТ тумани ҳам бу йил пахта тайёрлаш режасини бажара олмади. Учта хўжаликдан ташқари ҳамма хўжаликлар умидни оқламади. Ана шулардан бири Ҳ. Қодиров номидаги жамоа хўжалигидир.

Мазкур хўжалик кейинги тўрт йил давомида сурункасига давлатга пахта топшириш йиллик режасини бажара олмаётир. Бу йил ҳам эски «касал» такрорланди. Хўжалик яна қоқилди, тиз чўкиб қолди. Хўш, нега шундай бўлди? Бунга нима ва кимлар сабабчи?

Бултур пахтакорларимиз бошига тушган оғир оби-ҳаво қийинчиликларидан ҳамма воқиф. Ўшанда анчагина ҳосил далада қолиб кетди. Айни ўша кезлари бир неча йиллардан бери иши юришмаётган мазкур хўжалик раҳбари ўзгарди. Декабрь ойи бошларида хўжаликка туман деҳқончилик-саноат бирлашмасининг раиси вазифасида ишлаб турган Саидаҳмад Тулепов раис бўлиб келди. Жамоа раисни яхши қарши олди, унга ишонди... Аммо?!

Афсуски, бу йил ҳам режалар бажарилмади. Аҳвол яна ўша «эски тос, эски ҳаммом»лигича қолаверди... Деҳқонларимиз учун об-ҳаво шароитлари ниҳоятда қулай ва саҳоватли келган йилда яна режани бажармаслик ҳаммани таажжубга солди. Энди кимни айблаш керак?

Қани йил бўйи қилинган ишларни бир таҳлил қилиб кўрайликчи... Йил бошида 800 гектар майдонга чигит экиб, гектаридан 26,6 центнердан хирмон кўтариш, жами 2100 тонна пахта етиштириш режалаштирилди. Бироқ куз келиб, «ғалвир сувдан кўтарилганда» режага қарийб 800 тонна пахта етмади. Ҳосилдорлик 17 центнердан ошмади. Ўнта бригададан атиги иккитаси маррага етди. Учта бригаданинг берган пахтаси 50 фоизда қолди. Икки бригада эса, ўз режасини аранг 30 фоизга етказди. Нормат Эгамқулов бошлиқ 10-бригада ҳосилдорликда туманда «рекорд» ўрнатди. 83 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 8 центнердан ҳосил олинди, холос?!

Ана шу нохуш рақамларни қоғоз бетига туширарканмиз, раҳматлик устоз пахтакор, Меҳнат Қаҳрамони Ҳаким полвон Қодиров ёдимизга тушиб кетди (ҳозир хўжалик ана шу кишининг номи билан юритилади). Ўша пайтларда Ҳаким ота бошлиқ донгдор бригада ҳеч қачон 40 центнердан кам пахта олган эмас. Хўжалик туманда олдинда юрарди. Энди-чи, нега аҳвол бундай? Нима, хўжаликнинг ер-суви, иқлими, одамлари ўзгариб қолдими? Йўқ, албатта.

Мисол тариқасида шу йилни олайлик. Мушоҳадалар, суҳбатлар, таҳлил ва қиёслашлар шуни кўрсатдики, бу ердаги энг катта нуқсон аввало нав танлаш ва чигит экишдан бошланди. «Тошкент» ва «С-4880» навларидан воз кечилиб, ҳамма майдонларга «Наманган-77» нав пахта чигитини экишга қарор қилинди. Нав танлашга танлашди-ю, етарли миқдорда уруғлик чигит топиша олмади. Мавжуд уруғлик нари борса хўжаликнинг 60-70 фоиз ерига етар эди. Баҳорнинг ғанимат дамлари эса ўтиб борарди. Шошиб қолган раҳбарлар «борига барака», деб ўйлаб нетиб ўтирмай, энг осон йўлни танлашди. Уруғлик кам эканини била туриб, уни ҳамма ерга эктириб юборишди. Бу масъулиятсизлик оқибати чигит униб чиққанда яққол сезилди. Кўчатлар жуда сийрак эди. Гектарларда 85-90 минг ўрнига бор-йўғи 50-55 минг туп кўчат бор эди, холос. Ғўзаси калбош далани айланиб кўрган раҳбарлар ўз хатоларини тушуниб қолдилар. Аммо фурсат бой берилган эди. Шунга қарамай май ойида кўчатлар ўта сийрак бўлиб қолган 250 гектар ерга қайта чигит экилди.

Яна бир катта камчилик шунда бўлдики, бу йил хўжаликда ғўзага минерал ўғит бериш негадир ҳамманинг эсидан чиқиб кетди. Агар тажрибали баъзи бригада бошлиқлари: «Бу йил экинга ўғит солмаймизми?» демаса, бу ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Ана шундагина раҳбарлар югур-югурга тушиб қолишди. Ўғит эса йўқ эди. Ваҳоланки, бу ўғитлар аллақачон ғамлаб қўйилган бўлиши лозим эди. Ниҳоят, топиб келишди. Лекин, ҳаммаси эмас, бор-йўғи 50 фоизи. Экинларга зарур миқдордаги ўғит солинмади. Бунинг устига далага мўлжалдаги 5 минг тонна ўрнига бор-йўғи 2 минг тоннага яқин гўнг чиқарилди. Аммо бу муҳим иш жуда кечикиб, пала-партиш амалга оширилди. Ғўза кечки ва кам ҳосил бўлиб қолди. Дефолиация 20 сентябргача чўзилиб кетди. Йиғим-терим ишлари орқага сурилди.

Қишлоқ хўжалигида бир кун кечикиб ўтказилган тадбирнинг касри ҳафталар ва ойларга таъсир қилади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Дефолиация ўтказилган далаларда сифат сезилмади, ғўза худди ёз вақтидагидек кўклайверди. Шу боис хўжаликда машина терими барбод бўлди. Мавсумда ишга ярокли 16 та терим машинаси билан атиги 200 тонна пахта терилди. Ҳар бир машина билан терилган ҳосил ўртача 12,5 тоннадан ошмади?! Механизатор Асқар Йўлдошевнинг бутун мавсум мобайнида ўз машинаси бункеридан тўккан пахтаси аранг 5 тоннага етди. Бундай ҳолатни жамоа хўжалиги раиси С. Тулепов қуйидагича «тушунтирди».

-- Ёрдамчилар ҳашарга келиб қолишди. Машиналарга иш фронти қолмади...

Ёппирай!.. Шундаймикин?.. Бошқа ерларда битта машинага етишиш зорини қилишаётганда, бу ерда айни йиғим-терим қизиган паллада машиналарни қантариб қўйишса?.. Буни қандай тушунса бўлади? Ёҳуд раҳбарлар орасида ўша машиналарни «қантариб» қўйишдан манфаатдор одамлар бормиди?!

Олмалиқ ва Пискент шаҳарларидан чиққан ҳашарчилар даладаги ҳосилни йиғиб-териб олишда хўжаликка катта ёрдам беришди. Теримда жамоа аъзоларидан 250 атрофида одам қатнашиб, бор-йўғи 310 тонна пахта терилган бўлса, 1000 нафардан ортиқ ҳашарчи хўжаликнинг 800 тонна пахтасини териб берди. Ана шу қўлда терилган пахтанинг ҳар килограмми учун мавсум бошларида 50 тийиндан, кейинчалик 1 сўмдан ҳақ тўланди. Йиғим-теримни ўз кучи билан ўтказиш учун ҳамма зарур имкониятлар мавжуд бўлган бир пайтда хўжалик фақат ҳашарчилар меҳнатига суяниб қолди, улар учун ярим миллионга яқин пул сарфлади. Ўзингиз баҳо беринг... Бу кимга фойда-ю, кимга зарар?

Хўжалик сертармоқ. Шунинг учун бошқа соҳалардаги аҳвол билан ҳам танишдик. Масалан, пилла етиштиришни олайлик. Давлатга 12 тонна ўрнига 8 тонна пилла топширилиб, режа 70 фоизда қолиб кетипти!.. Раисдан бунинг сабабини ҳам суриштирдик. У:

-- Бизда Олмалиқ кимё заводининг таъсири катта. Ҳар йили ипак қуртларининг кўпи даҳага кириш олдидан нобуд бўлиб кетади, -- деб «зўр» баҳонани рўкач қилди.

Маълумотномаларни варақлашда давом этамиз. Сабзавот режаси 30 фоизга, ғалла топшириш режаси 31,5 фоизга бажарилган, мева-чева етиштириш режаси эса ўлда-жўлда қолиб кетган. Балли-е!.. Ботқоққа ботиш бундан ортиқ бўладими?!

Хўжаликда чорвачилик ҳам эскидан оқсаб келади. Сут-товар фермаси ишини жонлантириш мақсадида у чорвадор Ориф Пўлатов номига хусусийлаштириб берилди. Лекин, кутилган ўзгаришлар бўлмади. Ҳаммаси қоғозда қолиб кетди. Аслида эса, раҳбарларнинг мақсади бўлак эди. Ферма учун жавобгарликни бирон кишининг зиммасига юклаб қўйиб, битта «бош оғриғи»дан қутилмоқчи бўлишди. Унга ҳар жиҳатдан катта ёрдам бериш кераклигини унутишди.

Далилларга мурожаат қилайлик. Ферма қарамоғида 409 бош қорамол бор. Шундан 181 боши соғин сигирлар. Йиллик сут соғиб олиш режаси 270 тонна. Ҳозиргача эса, 212 тоннадан сал кўпроқ сут соғиб олинган. Ҳар бош сигир кунда 3,5-4 литр сут бераётган бўлса, йиллик режанинг бажарилишига кўз етмайди. Ахир йил охирлаяптику.

Чорва маҳсулдорлиги, энг аввало, озуқа мўллиги ва унинг ширадорлигига боғлиқ. Яна чорва қишловига қанчалик пухта ҳозирлик кўрилгани ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Лекин, хўжаликда бунга амал қилинаётганини кўрмадик. Фермада аҳвол ночор. Қишлов учун дағал хашак жамғариш режаси адо этилмаган. Мўлжалдаги 1280 тонна ўрнига бор-йўғи 706 тоннагина силос бостирилибди. Озуқа лавлаги тайёрлаш ярмида қолиб кетган. Бу аҳволда қишловдан чиқиш анча мушкул кечади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бу йил хўжаликда бирон-бир соҳа режаси бажарилмаган. Ёлғон бўлмасин фақат биргина гўшт топшириш уддаланибди... Шундай қилиб, тўрт йилдан бери давом этиб келаётган қолоқлик доғи яна ювилмай қолди.

Кўриб турибсизки, Ҳ. Қодиров номли жамоа хўжалигидаги умумий манзара ташвиш уйғотади, кишини ачинтиради. Мазкур хўжалик фаолиятини таҳлил қилишдан мақсад салбий фактларни санаш, камчиликларни кўрсатишгина эмас, албатта. Биз бу қусриётларнинг илдизини очишга, уларнинг сабаблари хусусида дангал гап юритишга уриниб кўрдик. Пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, пиллачилик ва бошқа тармоқларда ижобий ўзгаришлар қилиш имкониятлари борми, йўқми? Ўшаларни аниқлаш бизнинг холис ниятимиз эди.

Ана энди хулосага келайлик. Хўш, бугунги кун талаблари нималардан иборат? Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги катта ўзгаришларга ҳар биримизнинг қўшаётган ҳиссамиз қандай ва қанақа бўляпти? Ҳамма соҳада давом этаётган ислоҳотлар оқимида ўзимизга яраша ўрнимиз борми?

Ҳозирги давр раҳбарлар зиммасига катта ва масъулиятли вазифалар юкламоқда. Зотан, ҳар бир етакчи халқ орасида, одамлар ўртасида кунба-кун ишлайди, улар билан мулоқотда бўлади. Шу боис бошлиқ жавобгарликни сезувчан, билимдон, зукко, тадбиркор бўлиши айни муддаодир. Раҳбарликдаги ношудлик, умум манфаатига эътиборсизлик, лоқайдлик, боқибеғамлик каби иллатларни кечириб юборадиган пайтлар ўтиб кетди. Улар барҳам топган тақдирдагина ишимизда олға силжиш бўлади.

Тўғри, эски дардни даволаш оғир кечади. Ҳ. Қодиров номли хўжаликни оёққа турғазишнинг ўзи бўлмайди. Бизнинг назаримизда уни оёққа турғазиш имкониятлари бор. Пискент тумани мутасаддилари хўжаликдаги аҳволни яхшилаш учун бутун чораларни кўрадилар, деб умид қиламиз.

**Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

# ЁЗУВЧИ, ЗАМОН, МУҲИТ

## Меросимизни ўрганамиз

Ҳар бир ёзувчи, ҳатто, вафотидан кейин ҳам, ўз замони ва замондошлари билан узвий алоқада яшашда давом этади. Сўфи Оллоёр, ё ҳатто, Авазни 20-йилларда ижод қилган ёзувчилар даврасида тасаввур этиб бўлмаганидек, Ҳамза ё Ғафур Ғуломни ҳам Навоий замондошлари қаторида кўришни ақл бовар қилмайди. Зеро, ёзувчи ўзининг барча инсоний ва ижодий томирлари билан ўз даври ва муҳитига чамбарчас боғланган бўлади.

Абдулла Қодирий бугунги аксар ёзувчилардан фарқли ўлароқ, косиб, деҳқон, чойхоначи сингари оддий меҳнат аҳли билан яқин муносабатда бўлган. Унинг ижодига хос халқчилликнинг теран илдизи худди шундадир. Лекин, шу билан бирга, уни қуршаган муҳитда XX аср ўзбек адабиётининг талайгина машҳур вакиллари ҳам бўлганлар. Ёзувчи истиқомат қилган Эшонгузар яқинида яшаганлари учун Ғулом Зафарий, Сулаймон Хўжаев, шунингдек, Ғози Юнус, Чўлпон, Фитрат, Санжар Сиддиқ, Абдулҳай Тожиев, Шоҳид Эсон, Кабир Бакир каби адабиёт ва маърифат аҳллари Абдулла Қодирий билан, айниқса, яқин бўлганлар. Уларнинг айримлари улуғ ёзувчига меҳр-оқибатли дўстлар ҳам бўлишган.

Афсуски, кундалик воқеаларни қайд этиб, хотиралар ёзиб бориш маданияти бизда яхши шаклланмаган. Шунинг учун ҳам Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари ёзувчилар ҳаётининг аксар саҳифалари бизга номаълум бўлиб келади.

Сўнгги йилларда айрим ҳужжатлар билан танишиш имкониятининг пайдо бўлганлиги -- бу ёзувчилар ҳаётининг баъзи бир лавҳаларини тиклаш учун шароит яратди. Қуйида биз ана шу имкониятдан фойдаланиб, Абдулла Қодирий билан Ғулом Зафарий ўртасидаги дўстлик ҳақида сўзламоқчимиз.

Ғулом Зафарий 1937 йилнинг 29 октябрида хибсга олинганида, Каттабоғ кўчасидаги Холиқов деган кишига қарашли 71-уйда ижарада яшаган. Абдулла Қодирийдан ҳийла катта бўлса ҳам улар оғайнидек эмас, балки, дўстона муносабатда бўлганлар. Ёзувчи хонадонига тез-тез ташриф буюриб турган бу зотни Ҳабибулла Қодирий «Отам тўғрисида» деган китобида бундай хотирлайди:

«...Дадамнинг яна бир ҳамкасб дўсти Ғулом Зафарий эди. У йўғон, баланд гавдали, чўзиқ чўтир юзли, қиш кезларида узун олача тўн кийиб юрувчи, очиқ табиатли, мулойим, кулиб сўзловчи, Қодирийдан беш-ўн ёш катта киши эди. Ғулом Зафарий асли қўқонлик. Тошкентга қачон кўчиб келгани менга номаълум. Унинг Эшонгузар маҳалламизда боғча ҳовлиси бўлиб, бизга ҳаммаҳалла, дадамга ҳамулфат-гапхўр эди.

Ғулом Зафарийнинг онаси (биз уни «қўқонлик ойи» деб атар эдик) эса Жосият бибим билан тенгдош, ўртоқ, борди-келдилари қуюқ эди. «Қўқонлик ойи» жуда мулойим, хушмуомала, ширинсуҳбат, Қўқон ҳаётини, хонлар замонини яхши билувчи, уни бизга ҳикоя қилиб ўтирувчи аёл эди».

Бу хотира сатрларидаги Ғулом Зафарийнинг ёши ва ватани тўғрисидаги сўзларга ойдинлик киритиш лозим кўринади. Зеро, «Ҳалима» мусиқали драмасининг муаллифи Абдулла Қодирийдан ўн ёш эмас, беш ёшга катта бўлиб, 1889 йилда Эшонгузар маҳалласига туташ Каттабоғ маҳалласида туғилган. Афсуски, унинг отаси тўғрисида қўлимизда бирор маълумот йўқ. Агар Ғ. Зафарий онасининг Жосият бибига тенгдош эканлиги ҳақидаги Ҳ. Қодирий берган маълумот аниқ бўлса, у 1861 йилда туғилган бўлиб чиқади.

Ғ. Зафарий Тошкентдаги жадидчилик ҳаракатининг фаол қатнашчиларидан бири сифатида миллий ўзбек театрининг оёққа туришига муҳим ҳисса қўшган. У, 1914 йилда «Турон» труппасида тўпланган қатор санъаткор дўстлари сингари, дастлабки ўзбек театри спектаклларида артист сифатида иштирок этган. Ана шундай спектакллардан бири Тешабой ямоқчи билан Ойниса бойвучча ҳақидаги комедиядир.

Ҳабибулла Қодирий юқорида тилга олинган китобида Раҳимберди амакисининг бу асар тўғрисидаги қуйидаги хотирасини келтиради:

«Ҳали инқилоб бўлмаган эди. Кузак пайтлар бўлса керак. Абдулла бир кун «Ака, юринг, бугун менинг ёзган пьесам ўйналади, томоша қилинг», деб мени Тожи хўжайиннинг мўрчаси ёнига бошлаб борди. Саҳнада ўйнаган таниш артистлардан фақат Ғулом Зафарийни эслайман. Театрни кўриб, кула-кула қайтганман».

Ёзувчининг акаси Раҳимберди Қодировнинг эслашича, асарда тасвирланган воқеа фақир бир ямоқчининг уйида кечади. Тешавой бозордан эски-туски пойабзалларни арзон нарҳда сотиб олиб, уларни ямаб ё ямоққа ишлатиб, кун кечириб юради. Кунларнинг бирида у сотиб олган эски маҳсининг ичидан бир халта тилла чиқади. Ямоқчи олтин тангалардан бирини олиб, боши осмонда, бозорга югуради. Хотини Ойниса эса фақир кунларнинг орқада қолганига ишониб, чархни улоқтиради... Шу пайт хайр садақа сўраб келган тиланчига «Энди бизга эски-туски латталар керак эмас», деб бояги йиртиқ, аммо тиллали маҳси-кавушларни бир тугун қилиб бериб юборади. Тешавой бозордан қайтганда, бойвучча хотинининг бу «тантилиги»дан хабар топади. Шу тарзда фақир оила ўз бошига учиб келган «бахт қуши»ни қўлдан чиқариб, телбаланиб қолади.

Ҳ. Қодирий гарчанд Раҳимберди аканинг сўзларига ишониб, бу асарни отасига мансуб, деб айтса-да, унинг Абдулла Қодирий қаламига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ўзбек театрининг дастлабки одимларидан унча-мунча хабардор киши миллий драматургларимиз бисотида бундай асарнинг йўқлигини яхши билади. Модомики, спектаклда намойиш этилган воқеа ҳажвий-фожиавий йўналишда усталик билан ривожлантирилган экан, бундай жанр талабларига жавоб берувчи асарнинг Абдулла Қодирий қаламига мансуб бўлгани ҳолда унутилиши асло мумкин эмас эди. У инқилоб арафасида ва кейин ҳам кўплаб саҳналаштирилган таржима асарлардан бири бўлса ажаб эмас.

Бу хотира орқали биз ҳурматли муштарийлар эътиборини бошқа нарсага қаратмоқчимиз. Менимча, Абдулла Қодирий ўша куни акасини ўз ижодининг маҳсулини кўришга таклиф этган эмас. У дўсти Ғулом Зафарий санъатининг янги бир меваси билан танишмоқчи ва акасини ҳам таништирмоқчи бўлган. У даврнинг илғор кишиларидан бири сифатида фақат адабиёт оламидаги янгиликлар билангина эмас, айни пайтда эндигина туғилиб келаётган ўзбек театри, киноси, Оврупо мусиқий маданиятидан сабоқ олаётган мусиқа билан ҳам қизиққан. Ундаги бундай майлларнинг авж олишида Ғ. Зафарий сингари дўстларининг таъсири катта бўлган.

Ғ. Зафарий А. Қодирий билан ёнма-ён маҳаллада яшаганлиги сабабли бир гап-гаштак ва тўкмаларда иштирок этган; бирга сафарларда, нафис мажлис ва баҳсларда бўлган. Марҳум Баҳром Иброҳимов (Йўқсил)нинг шаҳодат беришига кўра, улар Самарқандда таниқли маърифатпарвар Маъруф Расулийнинг машҳур боғида Фитрат, С. Айний, А. Алавий, Ш. Сулаймон иштирокида кечган адабий кечаларда ҳозир бўлиб, уларни файзиёб этганлар.

А. Қодирий ва Чўлпонларнинг барҳаёт замондоши Юнус Мақсудов ҳам бу икки адибнинг кўплаб дўстона учрашув ва суҳбатларига шоҳид бўлганлигини айтади. Шу гувоҳнинг хотираларида Ғ. Зафарийнинг инсоний сифатларига нур тўкувчи бир тафсил бор. Унинг нақл қилишича суҳбатларнинг бирида дўстлар баҳри-байт айтишар эканлар, шўх Ғози Юнус Чўлпонга қарата у қадар одоб доирасида бўлмаган байтни бадоҳатан айтган. Бу ҳол Ғулом Зафарийга эриш туюлгани сабабли у «р» ҳарфи билан тугаган байтга жавобан: «Рафиқимсан, бироқ лой қоплиғинг бор, Ширин суҳбатда беодоблиғинг бор», деб Ғози Юнусга «шеърий» танбеҳ берган. Бизнингча, бу воқеа Ғулом Зафарийнинг инсоний қиёфасини ёритишда бир очқич бўлиб хизмат этиши мумкин.

Ҳ. Қодирий атоқли рус ёзувчиси Алексей Толстойнинг отаси ҳузурига ташриф этган кунни хотирлар экан, шу куни Ғулом Зафарийнинг ҳам нотаниш бир рус кишиси билан келганлигини айтади. А. Толстой билан бир дастурхонга Ғ. Зафарийнинг ҳам таклиф этилиши бежиз эмас. Кўкалдош мадрасасида таҳсил кўргач, у маълум фурсат, Абдулла Қодирий сингари, рус-тузем мактабида ҳам таълим олган; Тошкентда истиқомат қилган проф. Самойлович сингари рус олим ва ёзувчилари билан яқин муносабатда бўлган. Агар проф. Юдахиннинг «Русча-ўзбекча луғат»ни нашрга тайёрлашда катта ёрдам кўрсатгани учун Ғ. Зафарийга алоҳида миннатдорчилик изҳор қилганини эсласак, унинг ижодий қиёфасининг яна бир қирраси нурланиб кетади.

Ғ. Зафарий фақат истеъдодли шоир, драматург, театр арбоби, бастакор, мусиқашунос, театршунос ва тилшуносгина эмас, илғор қарашли, бағри кенг, ва нозиктаъб инсон ҳам бўлган. Абдулла Қодирийни қуршаган муҳит шундай фазилатли кишилардан таркиб топган эди.

А. Қодирий Ғ. Зафарий сингари қаламкаш дўстларига нисбатан катта хурмат билан қараган. Лекин, у ўз табиатига кўра, ўта ҳазилкаш инсон бўлгани учун улфатчилик чоғларида ҳам, бошқа давраларда ҳам, «ўнг келиб қолганда», на Ғ. Зафарийни, на бошқа дўстларини аяган. Улар, айниқса, Ғози Юнус ҳам ҳазилга ҳазил, мазахга мазах билан жавоб берганлар. Умуман, ўзбекона давраларда «Гап келганда отангни аяма» мақолига тўла амал қилганлар. А. Қодирий эса ўзининг бу ҳазилкашлик одатини ҳажвиялари, «филятўнлари» ва айрим мақолаларида ҳам канда қилмаган.

Ёзувчи «Кула-кула ўласан» деган «кичкина филятўн»ида қаламкаш дўстлари устидан кулар экан, жумладан, бундай сўзларни «ўқ-ёй» қилиб отган: «Мусулмонча «РУСТА» газетасининг Эски шаҳар шўъбасининг вакиллиғига машҳур эсликли ёшлардан Ғулом Зафарий таъйин этилган. Ривоятларга қараганда, Тошкентда бу ўрин учун ўзидан бошқа эслик киши тополмагоч, Ғулом Зафарий ўзини таъйин этдирган! Бу ўртоқ шу кундан бошлаб ўз атрофига эсликли ёш ўсмирларни йиға бошлади, дейдилар...»

20-йилларнинг бошларида Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида Русия телеграф агентлигининг варақаларига тақлидан мусулмонча «РУСТА» газетаси чиқарилди; уларни ташкил этишга А. Қодирий ва Чўлпон сингари ёзувчилар сафарбар этилди. Эски шаҳарда тарқатилган шундай газеталардан бирининг чиқишида Ғ. Зафарий ҳам ташаббускор бўлди. А. Қодирий юқорида тилга олинган ҳажвиясида қаламкаш дўстининг бу газетага ўзини-ўзи масъул этиб тайинлаганидан кулади.

Кириб келаётган 1923 йил бўсағасида ёзувчи «Тилак» номли ҳазил мақоласини эълон қилади. У маданият соҳасидаги бир қатор нуқсонларнинг Янги йилда бартараф бўлишини истаб, ўз тилакларини ҳажв либосига буркаган ҳолда тақдим қилар экан, қаламкаш дўстларини ҳам ёддан чиқармайди. «Ҳозирғи шоир ва адибларимиздан: Фитратга инсоф, Элбекка илҳом, Чўлпонга жиннилик, Санжарга ялқовлик, Ҳожи Муъинга Самарқандда чиққан янги сирлар, Ғулом Зафарийга «Ҳалима»нинг кайфидан ҳушёрлик... тилаймиз», деб ёзади у.

Ғ. Зафарий шу вақтга қадар бир қанча достон ва пъесалар ёзган, аммо унинг 1920 йилда яратган «Ҳалима» мусиқий драмаси халқ ўртасида, айниқса машҳур бўлган ва муаллиф номи пешқадам ўзбек ёзувчилари сафидан шу асар туфайли мустаҳкам ўрин олган эди. Ўша йилнинг 14 сентябрида «Турон» труппаси саҳнасида Маннон Уйғур томонидан саҳналаштирилган бу асар ўзбек мусиқий драма театрининг пайдо бўлишида пойдевор вазифасини ўтаган. Спектаклдаги бош ролни ижро этган артистлар шу даврда эл-юрт орасида айниқса машҳур бўлиб кетганлар. Шундай шуҳрат тожи Ғ. Зафарийнинг ҳам бошини узоқ йиллар давомида безаб келган.

А. Қодирий «Тилак» номли ҳангомасида ўз дўстига шуҳрат майидан сархуш бўлмай, «Ҳалима»га ўхшаш янги, бақувват асарлар ёзишни тилаган.

Ғ. Зафарий номи ёзувчининг «Қазойи осмонийлар» номли «кичкина филятўн»ида ҳам зикр этилган. А. Қодирий қаламкаш биродарлари Назир Тўрақулов, Булат Солиев, Ҳоди Файзий, Шапоқ маҳзум (айрим қодирийшунослар бу тахаллусни ёзувчига мансуб деб келадилар, аммо бу фикр мутлақо нотўғри!), Кабир Бакир ва бошқаларга кулги «тош»ларини отиб бўлгач, бундай ёзган: «Композитор Ғулом Зафарий қиш бўйи эрмак қилиб чиққан «Чинтемир ботир» операсини илмий ҳайъатга яхши баҳо билан сотиб, эълони ифлос қилди. Энди бундай опералар ёзиб, тирикчилик қилмоқ мумкин эканлигига имон келтириб, халқ чўпчакларини сўраб, хотин-қизларни безор қила бошлади».

Замондошларнинг айтишларича, Ғ. Зафарий мусиқий драмаларига ўзи куй басталаган. «Ҳалима»нинг мусиқий безаги ҳам машҳур хонанда Мулла Тўйчи ва созанда Шораҳим Шоумаров иштирокида муаллиф томонидан яратилган. Бу дастлабки тажриба катта муваффақият қозонгач, Ғ. Зафарий болалар ва катталар учун бир қанча пьесалар ёзган. «Чинтемир ботир» операси эса ўзбек халқ эртаги мотивлари асосида, А. Қодирий назарида, осонгаров яратилгани сабабли атоқли ҳажвчи қадрдон дўсти устидан кулмоқчи ва унинг енгил йўлни танлаганига шама қилмоқчи бўлган.

Абдулла Қодирий шу йилларда ҳажв соҳасида, айниқса, баракали ижод қилди. Ёзувчи фақат қаламкаш дўстларининггина эмас, балки ёш совет республикасининг раҳбарлари устидан ҳам кула бошлади. Ана шундай ҳажвияларидан бири -- «Йиғинди гаплар» 1926 йилда ёзувчини қора курсига ўтказишга сабаб бўлди. Натижада, унинг катта оиласи моддий, ўзи эса маънавий азобларга гирифтор бўлди.

Бундай пайтларда чўкаётган кимсага мадад қўлини узатувчи кишилар анқонинг уруғи бўлишади. Аммо, А. Қодирийнинг бахтига, унинг ёнида Ғулом Зафарий сингари меҳр-оқибатли дўстлари йўқ эмас эди.

Ғулом Зафарий шундай мушкул кунларда азоб ўтида қоврилган онага, Қодирий оиласига ширин сўзи, ўз рўзғоридан орттирган нон-тузи билан кўмак бериб турди. Қадрдон дўстини қутқариш йўлларини ахтарди. Унинг қўлидан келадиган бирдан-бир нарса эса Жосият биби номидан ариза ёзиш эди. Ва у биби номидан рус ва ўзбек тилларида талайгина аризалар ёзиб берди.

Маҳбус ёзувчини кафилликка олишга тайёр кишилардан бири ҳам Ғулом Зафарий эди. У Жосият биби тилидаги Тошкент музофот судига ўзбекча ариза ёзиш билангина кифояланмай, шу куни Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқармасининг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакили номига ҳам рус тилида илтимоснома ёзиб берган. Маҳбусхона деворлари ортида кечаётган бу ҳаракатдан ёзувчининг ўзи ҳам хабар топиб, у 6 апрел куни кафилликка чиқаришларини сўраб, ариза ёзган. Лекин, на онасининг, на ўзининг илтимослари инобатга олинмаганини кўрган ёзувчи сўнгги чора -- очлик эълон қилишга мажбур бўлган.

Абдулла Қодирийнинг очлик эълон қилгани ҳақидаги овоза эртасигаёқ унинг дўстлари қулоғига етиб боради. Ғулом Зафарий шу муносабат билан Жосият биби номидан рус тилида 8 апрел куни ёзган аризасини сиёсий идорага ўзи элтиб беради. Таҳмин қилиш мумкинки, у аризалар битиш билангина чекланмай, Йўлдош Охунбобоев сингари республика раҳбарлари олдига ҳам ёзувчини озод қилишларини сўраб, дўстлари билан бирга чиққан.

Ҳар ҳолда ўша йилнинг 17 июнида Абдулла Қодирийнинг хибсдан озод этилишида қадрдон дўсти Ғулом Зафарийнинг ҳам хизмати йўқ эмас.

Ғулом Зафарий қатағон йилларининг дастлабки тўлқинида -- 1932 йилда «Миллий иттиҳод» ташкилотининг собиқ аъзоси сифатида хибсга олиниб, уч йилга, Жанубий Сибирга бадарға қилинди. 1937 йил «тегирмони» ишга тушганда эса у иккинчи бор қамоққа олинди. Орадан икки ой ҳам ўтмай, 1937 йилнинг 28 декабрида Абдулла Қодирийнинг қамоққа келтирилишидан уч кун аввал Ғулом Зафарий отиб ташланди.

Бу вақтда у эндигина 52 ёшга тўлган эди.

**Наим КАРИМОВ.**

# ҲАР КИМ ЭККАНИНИ ЎРАДИ

## Жиноятга жазо муқаррар

Халқ суди талончилардан М. Турсунов ва М. Иноятовни ўн икки йил, уларнинг шериги Р. Тешабоевни саккиз йил озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди. Уларнинг ҳаммаси Тошкентдаги уюшган жиноятчилар гуруҳи аъзолари бўлиб, Зангиота туманида бир неча хонадонга ўғирликка тушган. Жиноятчилар тунда одамларнинг уйига бостириб кириб, қўрқитиб, қимматбаҳо буюмларини, пулларини тортиб олишар, сўнгра «Жигули»га ўтириб, жиноят жойидан ғойиб бўлишар эди. Тўдага собиқ боксчи М. Зокиров бошчилик қиларди. Суд М. Зокиров хусусида ҳали ҳукм чиқаргани йўқ, чунки у ҳозир руҳий касалликлар шифохонасида қатъий назорат остида даволанмоқда.

Ҳар бир ўғирликка олдиндан пухта тайёргарлик кўрилган. Кимнинг уйига қачон бостириб кириш олдиндан режалаштирилган. Бироқ, қинғир ишнинг қийиғи чиқмай қолмайди, деганларидек, ўғрилар барибир қўлга тушди. Зангиота тумани ички ишлар бўлимининг жиноят-қидирув бўлими бошлиғи милиция майори М. Турдиметов раҳбарлигидаги оператив-тергов гуруҳи шубҳа остига олинган кишиларни текшириб, жиноятчилар гуруҳини аниқлади ва қўлга олди.

Халқ суди ҳукм чиқариш чоғида терговчилар тўплаган далилларни рад этиб бўлмаслигини, судга ҳавола қилинган материаллар исботланганини, шунингдек жиноий гуруҳ ҳатти-ҳаракатлари жамият учун хавфли эканини таъкидлади.

**Б. АЛИМОВ.**
**(ЎзА).**



*Бекобод шаҳрида ҳам Ғалабанинг 50 йиллигига катта тараддуд кўриляпти. Куни кеча ёшлар уйида уруш фахрийларига «Жасорат» медалларини топшириш маросими бўлиб ўтди.*

*Суратда: Ўзбекистон металлургия заводи кадрлар бўйича директор ўринбосари Б. Миркомилов фахрийларга «Жасорат» медалини топширмоқда.*

Э. ИБРАГИМОВ олган сурат.

*Ёш томошабинлар театрининг янги асари*

# «ОТ ЙИҒЛАГАН ТОМОНДА»

Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри жамоаси таниқли ёзувчи Тоғай Муроднинг асарлари асосида «От йиғлаган томонда» спектаклини саҳналаштирди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати О. Салимов саҳналаштирган бу асар томошабинларда кучли таассурот қолдирди. Бунинг сабаби асарнинг ғоят чуқур фалсафий фикрлар билан суғорилганлиги бўлса, иккинчи бир сабаби премьерадаги ролларни театрнинг таниқли актёрлари ижро этганидадир. Жумладан, Зиёдулла ролини Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати Ф. Аминов, Момосулув ролини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Г.Саъдуллаева, Бобо ролини -- А. Қодировлар қойилмақом қилиб яратишган.

Асар муаллифи ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли дейдилар» деган сўзларини ўзига шиор қилиб тарихимизнинг энг қора, энг кир саҳифалари бўлмиш хон замонларидан, яъни инсонлик эрки ва ҳуқуқи, босқинчиларнинг оёғи остида эзилган халқимизнинг бир қатор урф-одатлари қатори йигитларнинг севимли машғулоти бўлмиш кўпкари ўйинини ҳам эскилик сарқитига йўйилган 50-йилларнинг ҳангомаларидан ҳикоя қилади.

Асарни кўрар эканмиз, от-одамзоднинг энг яқин, энг содиқ дўсти эканлигига яна бир карра амин бўламиз. Беихтиёр шоирнинг «От ҳақида оқ қўшиқ» шеъри хаёлдан кечади.

*От деб кечдим ёримдан,*
*Элга бўлдим эрмаклар,*
*Қайдан билсин от қадрин,*
*От минмаган эркаклар*

Бош қаҳрамонлар Зиёдулла ва Момосулувлар бирнеча йил бефарзандлик доғида қовриладилар. Ва ўзлари боқаётган Тарлон номли отлари фарзанддек азиз бўлиб қолади... Кейин нима бўлди дейсизми? Агар сиз янги асарни томоша қилсангиз, шубҳасиз шу ва шу каби ўзингизни қизиқтирган бир қатор саволларга жавоб оласиз.

**А. РАИМОВ.**

## *Ҳар тўғрида*

### ЎЗИ ҲАМ 200 КИЛОГРАММ ТОШ БОСДИ

◆ ЩВЕЦИЯНИНГ ғарбий Атланта соҳилида ниҳоятда катта денгиз тошбақаси ушланди. Бу кенгликларда бўлмайдиган бу жониворни тортиб кўришганда вазни оғирлигидан ҳамма ёқа ушлади. Ахир ўзиям 200 килограммдан ортиқроқ тош босди-да. Тахмин қилишларича, одатда Канар оролларидан шимол томонда учрамайдиган бу тошбақа қудратли денгиз оқимининг асираси бўлган. Унга тушиб қолгач, чиқиб кетолмаган ва оқим билан бирга бу ерларга келиб қолган. Бу оқим эса Африка соҳилларидан шимол томонга қараб келади.

### 25 ХИЛ КАСАЛЛИК САБАБЧИСИ

◆ КАШАНДАЛИК инсон ҳаёти учун хавфли бўлган ками билан 25 хил касалликнинг келиб чиқиши сабабчиси бўлар экан. Ҳиндистонлик тиббиётчи мутахассисларнинг фикрича, бу зарарли одатдан қутилиш учун ҳатто ҳар куни юз-икки юз грамм алкогол ичиш ҳам афзалдир. Чунки у тана фаолиятига ижобий таъсир қилар эмиш.

### ИЧКИ ОРГАНЛАР СОТИЛЯПТИ

◆ ГОНКОНГДАГИ «Саут-Эайна морнинг пост» газетаси Хитойда қамалган ёшларнинг ички органлари билан савдо қилиш ҳодисалари кўп содир бўлаётганлиги ҳақида ёзади. Чунончи, ўлимга ҳукм қилинган кишиларнинг, жумладан буйраклари улар ҳаётлик вақтидаёқ операция йўли билан қирқиб олиниши қайд қилинди. Бу эса уларни кўчириб ўрнатиш бўйича операцияларнинг муваффақиятли бўлишига эришиш имконини беради.

### ҲАЛОКАТЛИ ЖОЙ

◆ 900 кишининг ҳаётига зомин бўлган «Эстония» пароми ҳалокатини текшириш давомида шу нарса аниқландики, бу жойни кекса тажрибали денгизчилар хавфли деб ҳисоблашган.

Ўтган аср бошидан бери бу ерда 40 дан ортиқ анча катта кемалар ҳалокатга учраб, денгиз қаърига ғарқ бўлган. Фин газеталаридан бирининг маълумотларига қараганда, сўнгги энг йирик кема ҳалокати 1978 йилда содир бўлган экан. «Эстония» ҳалокатга учраганидан кейин кўп ўтмай худди шу ерда яна бир кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Шу йилнинг 1 октябрида Финляндияга қарашли ва қуруқ юк ташишга мослашган кемани кучли тўлқинлар қояларга суриб чил-парчин қилди.

*Маданият янгиликлари*

### ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА КЎРИНГ

Муқимий номидаги республика мусиқали драма театрининг ижодий жамоаси болаларга атаб Фарҳод Файзиевнинг «Қулоқсиз шалпангқулоқлар» асарини тайёрлади. Уни режиссёр Баҳодир Назаров саҳналаштирди. Янги спектакль мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунлари намойиш этилади.

### БОЛАЛАР ИЖОДИЙ КЎРГАЗМАСИДА

Республика болалар бадиий ижодиёти марказида ўзбек миллий халқ амалий санъати студиялари қатнашчиларининг шахсий кўргазмаси очилди. Унда 60 га яқин ижод маҳсули намойиш этилмоқда. Айниқса наққош Абдували Латипов, бадиий ёғоч уймакори Фазлиддин Низомов, шарқ миниатюраси студияси қатнашчиси Алишер Қорабоевнинг иш намуналари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

### ИЛК ҚАДАМ НАШИДАСИ

Республика киночилар уйида ёш режиссёр Раъно Кубаеванинг илк асари -- «Кенжа қиз» бадиий фильми томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Бу ижодкорни санъат мухлислари кино артисти сифатида яхши билишади. Аммо режиссёрлик санъаткорнинг орзуси эди. Ниҳоят орзуси ушалди. Москвадаги олий режиссёрлик курсида таҳсил кўраётган истеъдод соҳибасининг дастлабки асари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

**(ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН -- БЕЛЬГИЯ*

### ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори Ғ. Рафиқов раҳбарлигидаги республикамиз делегацияси Бельгия қироллиги пойтахтида амалий сафарда бўлди.

Ташриф давомида Бельгия фуқаро авиацияси маъмурияти ва Европадаги энг йирик авиакомпаниялардан бири бўлган «Сабена» вакиллари билан музокаралар бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида доимий равишда йўловчилар ва юк ташиш соҳасида икки томонлама фойдали ҳамкорликнинг истиқболлари ва аниқ йўналишлари муҳокама қилинди. Учрашув ва муҳокамалар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Бельгия қироллиги ўртасида самолётлар қатновини йўлга қўйиш ҳақидаги ҳукуматлараро битим лойиҳаси тасдиқланди. Икки мамлакат пойтахтлари ўртасида ҳаво йўлини очиш, келажакда уни Самарқандгача узайтириш борасида дастлабки келишувга эришилди.

«Сабена» қароргоҳида бўлиб ўтган учрашув чоғида эса икки авиакомпания ҳамкорликдаги фаолиятининг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Европа ҳамжамияти, НАТО ва бошқа обрўли халқаро ташкилотлар қароргоҳи жойлашган Брюссель билан Тошкент ўртасида доимий самолётлар қатнови йўлга қўйилиши Ўзбекистонннинг Европа ва жаҳон интеграцияси жараёнларига фаолроқ иштирокини таъминлаши шубҳасиз.

Томонлар юқорида қайд этилган битимнинг расмий имзоланишини кутиб ўтирмай, яқин орада йўловчилар ва юк ташишни бошлашга келишиб олдилар.

**Амирқул КАРИМ,**
**(ЎзА).**

*СПОРТ*

### МУСОБАҚА ҒОЛИБИ БЎЛИШДИ

Ўзбекистон Республикасининг таэквондочилар командаси спорт мавсумини ниҳоясида йирик муваффақиятни қўлга киритди. У Санкт-Петербургда «Буюк Пётр кубоги» учун командалар мусобақаси ғолиби бўлди. Ўзбекистонликлар бешинчи халқаро шарқона кураш усталари мусобақасида иштирок этган 17та терма команда вакилларидан ўзишга муваффақ бўлдилар.

Нева бўйидаги шаҳар асосчиси номи билан аталган кубокни олиш учун даъвогарлар орасида жаҳон, Европа биринчиликларининг, йирик халқаро мусобақаларнинг ғолиблари ва совриндорлари -- Англия, Польша, Хорватия, Чехия, Шотландия спортчилари, шунингдек кўпгина ҳамдўстлик республикаларидан келган таэквондо усталари бор эди.

Тошкентлик Ҳусниддин Қурбонов, Элмурод Нуроҳунов, Насриддин Толипов «соя билан жанг» деб аталган махсус машқларда ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Бекободлик спортчи Леонид Ли эса бронза медал билан тақдирланди.

Пойтахтлик спортчилар Тўлқин Расулов ва Виктор Николаев ўз вазн тоифаларида фахрий шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилдилар. Бундан ташқари, ҳамюртларимиз Евгений Ли ва Вячеслав Хан кумуш медалга сазовор бўлишди.

Таэквондо бўйича бу йилги мавсумнинг сўнгги якуни республика кубоги мусобақасида чиқарилади. Бу мусобақа 18 декабрда Армия спорт мажмуи (собиқ Меҳнат резервлари) залида очилади.


Тошкент-таймс Toshkent-times

ЭЪЛОНЛАР

**Корхона** улгуржи ва майда улгуржи туркумларда дондан тайёрланган

**СПИРТ СОТАДИ**

ГОСТ 5962-67

Тел.: 54-61-25 (9.00-18.00), 78-19-83, 21-40-51, 50-08-35.


«Тошкент ҳақиқати» таҳририяти жамоаси «Ташкентская правда» газетасининг собиқ муҳаррири Анатолий Леонтьевич СТАЖИЛОнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48. Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.



· Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

· Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.



Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-1279. 18900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа-концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 21.30. 1 2 3 4 5 6